


Фазога ҳалол озиқ-овқат маҳсулотлари юборилади



16:30 / 08.07.2019 2285

Мусулмон киши хоҳ ерда бўлсин, хоҳ у самода бўлсин, ҳалол ҳисобланган ризқлардан истеъмол қилиш буюрилган. Жорий йил сентябрь ойида Бирлашган Араб Амирлиги фуқароси Ҳазза Али ал-Мансур рус космик кемаси билан фазога сайр қилади. Бу астронавт мусулмон бўлгани учун халқаро космик станциядаги фазогирлар озиқ-овқатини таъминловчи «Space Food Laboratory» ширкати, мусулмон киши фазода истеъмол қилиши мумкин бўлган ҳалол озиқ-овқатларни тайёрлаб, космик станцияга жўнатади.

Бирлашган Араб Амирликлари космонавтини Халқаро космик станцияга юбориш 2018-йилда Россия билан имзолаган келишувга мувофиқ амалга оширилмоқда. Ҳазза Али ал-Мансурий россиялик космонавт Олег Срибусчак ва америкалик астронавт Жессика Мир билан бирга «Союз-15» русумли космик кемада фазога юборилади. Ал-Мансури Халқаро космик станциясида саккиз кун туради ва кейин ерга қайтади.

Islom.uz портали таҳририяти